



13.04.2022 даги

ООО LYUKS AUTO ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида
94875000,00 сўм умумий суммага тузилган 45 Лот №61114 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб _____ 250
Шахсий газна ҳисобварак _____ 401010860262947042131250001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4234100			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель	60 000 000,00			60 000 000,00
Май	20 000 000,00			20 000 000,00
Июнь				
Июль	14 875 000,00			14 875 000,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	94 875 000,00			94 875 000,00

Жами 94875000,00 сўм

Тўксон тўрт миллион саккиз юз етмиш беш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойида олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(Handwritten signature)

(имзо)

Бердиқулов С. В.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(Handwritten signature)

(имзо)

Воҳидов Л. Ҳ.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

ШАРТНОМА № 45 Лот №61114

2022 йил «13» апрель

Ташкент шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Низомига асосан бир томондан иштирок этувчи, унинг номидан иш кўрувчи Раиснинг ўринбосари Сирожиддин Валиқулович Бердиқулов, кейинчалик «Сотиб олувчи» сифатида ва иккинчи томондан Низомга биноан иштирок этувчи ООО LYUKS AUTO, унинг номидан иш кўрувчи _____, кейинчалик «Етказиб берувчи» сифатида қуйидаги мазмундаги шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

№	Хизматнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий нархи
1	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг балансида булган машина-механизм ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш.	усл. ед	1	94 875 000	94 875 000
Жами:					

Мазкур шартноманинг умумий сўммаси қўшилган қиймати солиғи билан (тўқсон тўрт миллион саккиз юз етмиш беш минг) сўм 00 тийинни ташкил этади.

1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан «Етказиб берувчи» шартноманинг шартлари ва қоидаларига асосан (хизматни) маҳсулотни етказиб бериш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб берувчи «Сотиб олувчи» билан келишилган ҳолда (хизматни) маҳсулотни муддатдан олдин жўнатиши мумкин.

1.3. Етказиб бериладиган (хизматни) маҳсулот сифати ишлаб чиқарувчи техник хужжатига ҳамда Ўзбекистон Республикасида етказиб бериладиган маҳсулотлар учун ўрнатилган меъёрлар ва қоидалар талабларига жавоб бериши лозим.

2. Маҳсулотнинг умумий нархи ва тўлов шартлари

2.1. Мазкур шартнома бўйича маҳсулотнинг умумий нархи 94 875 000 (тўқсон тўрт миллион саккиз юз етмиш беш минг) сўм 00 тийинни қўшимча қиймат солиғи билан ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган маҳсулот (хизмат) нархлари охириги нарх ҳисобланиб, томонлар шартномани тўлиқ бажаргунларига қадар ўзгаришлар киритилмайди.

2.3. «Сотиб олувчи» ва «Етказиб берувчи» ўртасида маҳсулот (хизмат) ҳисоб-китобининг амалга оширилиши мазкур Шартномада кўрсатилган маҳсулот (хизмат) нархининг 30% ни олдиндан тўлаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида шартноманинг қайд қилиниш вақтидан бошлаб 10 банк куни давомида амалга оширилади. Маҳсулот нархининг қолган 70% нинг тўлови «Етказиб берувчи» томонидан шартноманинг барча шартлари бажарилганидан сўнг ҳамда кафолат

муддати (шартлари)дан ташқари иккала тараф барча маҳсулотнинг ҳисоб-фактурасини имзолаганидан кейин 10 банк куни давомида амалга оширилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан берилган сертификатнинг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

3.2. Маҳсулотни етказиб бериш муддати «Етказиб берувчи» ҳисобига олдиндан тўлов тушган вақтдан 3 кун ҳисобланиб, кўрсатилган муддат давомида «Етказиб берувчи» юклаб жўнатишга тайёрлиги тўғрисида «Сотиб олувчи»ни ёзма равишда хабардор қилиши лозим. «Сотиб олувчи» ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилинмаган ҳолда, «Етказиб берувчи» маҳсулотни кечиктириб етказиб бергани учун мулкӣ жавобгарликка тортилади.

3.3. Етказиб бериш муддати «Етказиб берувчи» ва «Сотиб олувчи»ларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳисоб-фактура бажарилган ишлар расмийлаштирилиши (хизмат) қабул қилиш далолатномаси имзоланиши кунидан кейин, ҳисобланади.

3.4. Маҳсулот (хизмат) қабул қилиниши «Сотиб олувчи» вакиллари томонидан «Етказиб берувчи» вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.6. Маҳсулот (хизмат)га эгалик ҳуқуқи ҳақиқий топшириш вақтида, ҳисоб-фактура имзоланганидан сўнг «Сотиб олувчи»га ўтади.

4. Кафолатлар

4.1. Маҳсулот янги, шартнома тузилган санага қадар бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатда ишлаб чиқарилган ва ишлатилмаган бўлиши лозим.

4.2. «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган маҳсулот сифати ва сонига ишлаб чиқарувчининг стандарт техник меъёрларига ва ГОСТ талабларига жавоб беришини кафолатлайди.

5. Томонлар мажбуриятлари

5.1. Маҳсулот (хизмат) ўз вақтида етказиб берилмаган ҳолда «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га бажарилмаган мажбурият қисмининг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,5% ҳажмида пеня тўлайди, шу билан бирга пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

5.2. Етказиб берилган маҳсулот (хизмат) ҳаққини ўз вақтида тўланмаганлик учун «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчига» кечиктириб ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдоридан пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

5.3. Етказиб берилган маҳсулот (хизмат) мазкур шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаган ҳолда, «Сотиб олувчи» маҳсулотни (хизмат) қабул қилиш ва тўловини амалга оширишдан бош тортишга, маҳсулот (хизмат) тўлови амалга оширилган бўлса сифатли маҳсулотга алмаштирилиши ёки тўланган суммасини қайтарилишини талаб қилишга, «Етказиб берувчи» дан талаб даражасида бўлмаган маҳсулот нархининг 20% миқдоридан жарима ундириб олишга ҳақлидир.

5.4. Мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган ҳолларда жарима ва пеня тўланиши шартнома бўйича томонларни ўз мажбуриятларини бажаришларидан озод қилмайди.

5.5. «Етказиб берувчи» Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулот (хизмат)нинг қонуний олиб кирилишини назорат қилувчи қонунчилик талабларига риоя қилиниши учун жавобгардир, шунингдек «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га тақдим этган маҳсулотнинг калькуляциясининг тўғри ва қонунчиликка риоя этган ҳолда тузилганлиги учун ҳамда тақдим этаётган нарҳига шахсан жавоб беради.

6. Низоларни ҳал қилиш

7.1. Мазкур Шартномага боғлиқ «Етказиб берувчи» ва «Сотиб олувчи» ўртасидаги барча тортишув ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Аммо томонлар бир битимга келмаган ҳолда мазкур Шартномадан келиб чиққан ёки у билан боғлиқ барча низолар, тортишув ва келишмовчиликлар Тошкент шаҳар Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

7. Тара, қадоқлаш, маркалаш

8.1. Маҳсулот (хизмат) етказиб берилганда маркаланган, ташиб ўтиш ва сақлашда бутлигини таъминлайдиган тарада қадоқланган бўлиши лозим. Ҳар иккала тарафнинг келишувига биноан қадоқлашга сарф қилинган харажатларни «Етказиб берувчи» амалга оширади.

9. Шартнома амал қилиш муддати

9.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

9.2. Шартнома томонлар келишуви билан муддатдан олдин тўхтатилиши мумкин.

10. Форс – мажор

10.1. Енгиб бўлмас куч, яъни: ёнғин, табиий офат, урушлар, ҳарбий операциялар, эксперт ва импорт таъқиқланиши ёки блокада оқибатида, ушбу вазиятлар бевосита мазкур Шартнома бажарилишига таъсир этган ҳолда, мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод қилинади. Шу билан бирга мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муддати шу каби вазиятлар бўлиб ўтган вақтга мос равишда сурилади.

10.2. Юқорида кўрсатилган вазиятлар 3 ойдан ортиқ давом этган ҳолда, ҳар иккала томон мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларининг кейинги бажарилишидан воз кечиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолда «Етказиб берувчи» мазкур Шартномада кўзда тутилган маҳсулот етказиб беришга доир ўз мажбуриятларининг бажарилмаган қисми бўйича пул маблағларини Сотиб олувчига қайтариб беради.

10.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаган томон зудлик билан юқорида кўрсатилган вазиятлар юзага келиши вақтидан бошлаб 20 календар кундан кечикмасдан иккинчи томонни ушбу вазиятлар юзага келиши ва улар тўхташининг тахминий муддати тўғрисида хабардор қилиши лозим. Юқорида қайд этилган вазиятларнинг мавжудлиги ва давомийлигининг исботи сифатида тегишли ваколатли органлар томонидан бериладиган сертификатлар хизмат қилади.

11. Бошқа шартлар

11.1. Мазкур Шартнома кучга кирган вақтидан бошлаб бу борада илгари олиб борилган барча ёзишма ва музокаралар ўз кучини йўқотади.

11.2. Ушбу Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва тўлдиришлар иккала томон вакиллари томонидан ёзма шаклда бажарилган ва имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Иккала тарафнинг ҳеч бири учинчи томонга мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини иккинчи тарафнинг ёзма руҳсатисиз топшириши мумкин эмас.

11.4. Тарафларнинг тўлов ёки бошқа реквизитлари, номлари ўзгарган ҳолатда иккинчи тараф зудлик билан бу тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

11.5. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари

фаолятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қилади.

11.6. Шартнома мазмуни жиҳатидан бир хил бўлган ва тенг кучга эга бўлган икки нусхадаги иловалардан иборат бўлиб, 4 ыаракда тузилган, иккала тараф имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган.

12. Томонлар юридик манзиллари, тўлов ва жўнатиш реквизитлари

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:

ООО «LYUKSAUTO»

г.Ташкент, Шайхантахурский район,
ул.Лайлитугондом 1.
р/с20208000600893179001, вЧЭКИ
ОАТБ «Савдогар» банк
Шайхантахурский ф-л,
МФО 01105,
ИНН 305615495
ОКЭД 45201

97-777 88 66 *тоқон шир*

Директор *[Signature]* Хайдаралиев С.Б.

М.У.



СОТИБ ОЛУВЧИ:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни

ривожлантириш давлат қўмитаси

Тошкент ш. Кичик халқа йули 21А уй.

Л/с: 401010860262947042131250001

СТИР: 200935112, ОКЕД: 4812

Р/с 23402000300100001010 МФО: 00014


Марказий банк Тошкент шаҳар бош


бошқармаси ХККМ

СТИР: 201 122 919

Раис ўринбосари

С.Бердиқулов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektni) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"LYUKS AUTO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektning tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"LYUKS AUTO" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.06.2018

617668

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305615495

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, LAYLITUG'ON KO'CHASI 1-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси ўринбосари танлов
комиссияси раиси
С.В. Бердикулов
2022 йил 13 апрель



Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси танлов комиссияси йиғилишининг

12-04-22/3-сон

БАЁННОМАСИ

2022 йил 13 апрель

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

С.В. Бердикулов	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари, танлов комиссияси раиси.
К.Х. Юнусов	Капитал қурилиш, таъминот ва маркетинг бўлими бош мутахассиси, танлов комиссияси котиби.
Ф.С. Ахмедов	Молия-иқтисодий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби бошқарма бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси.
С.У. Тўлаганов	Сертификация ва стандартлаштириш бошқармаси бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси.
Л.Х. Воҳидов	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош ҳисобчи, танлов комиссияси аъзоси.
Ш.Ш. Хужаназаров	Капитал қурилиш, таъминот ва маркетинг бўлими бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси.
А.А. Власенка	Ахборот коммуникация ва технологияларни жорий қилиш бошқармаси бош мутахассиси, танлов комиссияси аъзоси.
Ж.С. Отаниёзов	Хужалик ишлари мудири, танлов комиссияси аъзоси.

КУН ТАРТИБИ:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг
балансида бўлган машина-механизм ҳамда автотранспорт
воситаларига техник хизмат кўрсатиш **ЛОТ 61114**

(Бердикулов, Тўлаганов, Ахмедов, Хўжаназаров, Власенка, Отаниёзов, Воҳидов, Юнусов)

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан Қўмита раиси ўринбосари, танлов комиссияси раиси С.Бердикулов сўзга чиқиб, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг балансида бўлган

машина-механизм ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш юзасидан etender.uzex.uz сайтида 61114-сонли лот рақами орқали эълон берилганлигини маълум қилди.

Такдим этилган 2 та корхона “LYUKS AUTO” МСНЖ ва “ATLANT AUMAN GROUP” МСНЖ таклифлари келиб тушганлиги билан комиссия аъзоларига атрофлича таништириб чиқилди.

Танлов комиссияси котиби К.Юнусов сўзга чиқиб, ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди ҳамда сўзида давом этар экан “LYUKS AUTO” МСНЖ ва “ATLANT AUMAN GROUP” МСНЖ корхоналари танлов талабларига мос хужжатлар такдим қилганлигини билдириб ўтди.

Танлов комиссияси аъзоларида мазкур 61114-сон лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 61114-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар қуйидагича белгиланган.

1. “LYUKS AUTO” МСНЖ - 94 875 000,00 сўм ҚҚС билан.

2. “ATLANT AUMAN GROUP” МСНЖ - 94 800 000,00 сўм ҚҚС билан.

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра “GREAT DIZAYN PROJEKT” МСНЖ корхонаси энг юқори 81.99 балл билан энг мақбул таклиф деб топилди.

Комиссия қарор қилади:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг балансида бўлган машина-механизм ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича “LYUKS AUTO” МСНЖ корхонаси таклифи бир овоздан маъқуллансин.

2. “LYUKS AUTO” МСНЖ корхонаси танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.


Ушбу баённома ижроси Молия-иқтисодий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи Ф.Ахмедов зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Ф.Ахмедов



Ж.Отаниёзов



С.Тўлаганов

Л.Воҳидов

Ш.Хўжаназаров



А.Власенко

